

# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1999 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

● 8 октябр, №41 (3527) ●


## ҲУҚУҚИЙ ТЕНГЛИК — АДОЛАТ ТИМСОЛИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва Олий Мажлис депутатлигига сайловларга кун сайин яқинлашиб бораяпмиз. Бу икки сайлов халқимиз кўз ўнгида ўтказиладиган шунчаки бир рўйхатбозлик анжумани эмас, балки мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган, унинг тараққиётига замин тайёрлайдиган тадбирлардан биридир. Бу сайловда сайловчилар ҳам, сайланганлар ҳам буюк келажакни яратиш борасида синовдан ўтадилар. Сайланганлар эса халқ олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, унинг манфаатларининг ҳимоячилари бўлишлари керак. Хўш, сайлов халқимиз учун жиддий синов экан, унга тайёргарлик ишлари қандай бормоқда? Мухбиримизнинг Республика Марказий сайлов комиссиясининг раиси ўринбосари Отабой ДЎСЖОНОВ билан суҳбати шулар ҳақда борди.***

**— Жойларда ташкилий ишлар қай йўсинда олиб борилмоқда?**

— Республикамизнинг барча округ сайлов комиссияларида ва уларнинг жойлардаги шоҳобчаларида тайёргарлик ишлари қизғин. Уларга сайловлар ҳақидаги ҳужжатлар, варақалар, плакатлар етказиб берилган. Сайлов ҳақидаги қонун-қоидалар билан улар тўла таъминланган. Сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускорлар гуруҳларни рўйхатга олиш ишлари бошланган. Сайлов комиссиялари фаолияти билан хоҳлаган одам жойларга бориб танишишлари мумкин.

**— Кўпчилик сайловчилар ташаббускор гуруҳлар ҳақида батафсилроқ маълумотларга эга бўлишни истайди...**

— Фуқаролар орасидан Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчиси ташаббускор гуруҳни тузиши мумкин. Улар сони юз кишидан кам бўлмаслиги керак. Уларнинг дастлабки мажлисида икки масала кўриб чиқилади: аввало, ташаббускор гуруҳнинг ваколатли вакили тайинланади, кейин депутатликка номзод кўрсатилади. Улар бўйича мажлис қарорлари чиқарилади.

Шундан кейин мажлис баёни ва қарор, унда иштирок этган кишилар тўғрисидаги маълумотлар, ҳужжатлар тўпланиб, округ сайлов комиссиясига ариза билан бирга топширилади. Ариза ёнида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим: биринчидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг рўйхати ва улар ҳақидаги барча маълумотлар, иккинчидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакилини тайинлаш тўғрисидаги қарори, унга берилган ишонч қоғози; учинчидан, депутатликка номзод ҳақида маълумот ва уни номзод қилиб кўрсатиш ҳақидаги қарор бўлиши зарур.

Округ сайлов комиссияси буларни кўриб чиқиб беш кун ичида жавоб бериши керак. Агар ташаббускор гуруҳ рўйхатга олинса, ваколатли вакилга гувоҳнома берилади, агар рўйхатга олинмаса, бу ҳақда огоҳлантирилади ва сабаблари айтилади. Ташаббускор гуруҳ рўйхатга олинганидан кейин депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзосини тўплашга киришишлари мумкин.

**— Депутатликка номзодлар кўрсатиш қачонгача давом этади?**

— Сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлар депутатликка номзодларини 21 октябрга қадар кўрсатишлари, бу ҳақдаги ҳужжатларни топшириб улгуришлари керак.

**— Ташаббускор гуруҳнинг сайловчилардан имзо тўплаши қанча миқдорда бўлиши лозим? Бир округда қанча ташаббускор гуруҳ тузиш имкони бор?**

— Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида 8 фоизи миқдорида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши шарт. Ана шундан келиб чиқиб, агар ҳар бир округда ўртача 50 мингтадан сайловчи бўлса, шундан 4 мингтаси ташаббускор гуруҳнинг депутатлик учун номзодига овоз бериши зарур. Демак, шу ҳисоб бўйича бир округдан 11 — 12 та ташаббускор гуруҳ депутатликка номзодини кўрсатиши мумкин. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир сайловчи битта номзодни қўллаб-қувватловчи имзо қўйишга ҳақли, холос.

**— Депутатликка номзодларни тарғиб-ташвиқот ишлари қандай олиб борилади?**

— Фақат тенглик асосида. Ҳамма номзодларнинг тарғиб — ташвиқоти учун бир хил маблағ ажратилади, матбуотда чиқишлари учун тенг имконият берилади. Баъзи номзодларнинг қўшимча маблағлар ва бошқа йўллар билан тарғиб-ташвиқот, ўзини ошириб мақташ ишларига йўл қўйилмайди. Ўйлаймизки, халқимиз ҳам, сайловчилар ҳам ортиқча мақтанишлар, ваъдабозликлардан тўйган. Шунинг учун эндиликда депутатликка халқ юкини, оғирини кўтарадиган ҳақиқий инсонларни сайлайдилар, деб ўйлайман.

## ЭРКИНЛИК АСОСИДА

Сайловлар олдидан

Яқин ўтмишда сайловлар қандай ўтгани, аниқроғи, қай тариқа ўтказилганини ҳаммамиз яхши эслаймиз. Сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилган собиқ шўро фуқаролари сайлов участкаларига борган ёки бормаганидан қатъи назар, якка-ягона номзод юз фоиз овоз билан таъминланарди. Тараққиёт бундай тенгсизлик ва ҳуқуқсизлик «тартиби»ни инкор этди. Ўз мустақиллигига эришган Ўзбекистонда эндиликда ҳар бир фуқаро эркин ва ҳалол сайлов йўли билан давлатни бошқариш ҳуқуқига эга бўлди. Бундай ҳуқуқ эса инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларга айнан мос.

Ўтган саккиз йил мобайнида мамлакатимизда сайлов тизимининг демократик механизмлари ишга тушиб, яхшигина тажриба орттирилди. Зеро, 1991 йили Президент сайлови, 1994 йили Олий Мажлисга сайловлар давлатимиз тарихида биринчи марта муқобиллик, кўп партиявийлик асосида ўтказилди. Айни пайтда Ўзбекистон фуқаролари қонун билан ҳимояланган сайлов ҳуқуқларига эга ва бундан фахрлансак арзийди. Жумладан, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси референдуми ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунларда овоз бериш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқ кўрсатилган. Эркин ва адолатли сайловларни тўла таъминлашга ва кафолатлашга қаратилган мазкур ҳужжатлар халқаро экспертлар томонидан жуда яхши баҳоланди.

Шу кунларда республикамизда сайловолди жараёнлари қизғин олиб борилмоқда. Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкиллаштирилаётган тайёргарлик ишлари сайлов тизимининг демократик тамойилларини амалга ошириш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш имкониятларини яратиб беришга қаратилган. Марказий сайлов комиссияси томонидан Олий Мажлис ҳамда Президент сайловларида қатнашиш учун рухсат олган партиялар ўз номзодларини кўрсата бошлашди. Тошкентда бўлиб ўтган «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг иккинчи қурултойида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов номзоди кўрсатилди.

Марказий сайлов комиссияси қошида ташкил этилган Матбуот марказида сайловлар билан боғлиқ барча маълумотларни олиш, компьютер ва алоқа тармоқларидан бемалол фойдаланишга етарли имкониятлар муҳайё этилган. Айни пайтда сайловларга тайёргарлик барча вилоят, шаҳар ва туманларда ҳам қизғин бораётир. Бир сўз билан айтганда, мазкур ғоят муҳим сиёсий жараён Ўзбекистон халқининг диққат марказидан ўрин олаётир. Бўлажак сайловлар ҳар биримизнинг ўз хоҳиш-иродамизни билдиришда тенг ва эркинлигимизни амалда намойиш этишига шак-шубҳа йўқ.

**Алишер АҲМЕДОВ**

Мангу лаҳза

## УСМОНБЕКНИ БИЛГАН БОРМИ?

Шўро даври қурбонлари орасида биз билмаган, ҳатто номларини эшитмаган кишилар сонсиз-саноқсиз. Шубҳасиз, уларнинг ҳаммасини газетхонларга бирма-бир таништириш шарт эмас. Аммо улар орасида шундай кишилар борки, агар тақдир уларга кулиб боққанида номлари, албатта, халқ хотирасида қолган ва бугун ҳурмат билан эсланган бўларди.

Сиз кўриб турган суратдаги йигитнинг исм-шарифи — Усмонбек Ниёзбеков. У 1914 йили — биринчи жаҳон уруши бошланган йили — Тошкент шаҳрида туғилган. Бугун унинг қисқа ва фожиали ҳаёт йўли тўғрисида мухтасар маълумот бера олувчи қарийб бирор киши қолмаган. Фақатгина Муфлиха Отабекова исм-шарифли яқин қариндошигина унинг машаққатли қисмати тўғрисида озми-кўпми тасаввурга эга. Биз ҳам унинг тасаввури ва қўлидаги баъзи бир тасодифан омон қолган суратларга асосланган ҳолда Усмонбек Ниёзбековни Сиз, муҳтарам газетхонларга таништирмоқчи бўлдик.

Ушбу сурат олинган пайтда Усмонбек ҳозир Ҳамза номи билан аталган Ўзбек Давлат академик театрининг артисти эди. Афсуски, унинг театрга қачон келгани ва қандай ролларни ижро этгани биз учун қоронғи. Бироқ унинг 1931 йили театр саҳнасини тарк этиб, автомактабда сабоқ олгани, 1932 йил мартида эса Саратов вилоятига қарашли Балашов шаҳридаги учувчи ва авиатехниклар мактабида таҳсил кўргани ноёб суратлар орқали тасдиқланади.

Усмонбекнинг театрдан кетиши, бизнингча, қуйидаги ҳолат билан изоҳланади. Унинг отаси Рустамбек Ниёзбеков эски Тошкентнинг машҳур кишиларидан бўлган. 1880 йили таваллуд топган Рустамбек Ниёзбеков 1908 йилдан 1926 йилга қадар Шайхонтоҳурдаги Эшонқул додҳо мадрасасида мутавалли лавозимида хизмат қилган. Айрим маълумотларга қараганда, у мингбоши ҳам бўлган. Аёнки, бундай кишининг шўролар даврида соғ-омон яшаши ғайритабиий ҳодисадир. Шўро давлати бундай юқори мартабали мусулмон кишининг баҳридан ўтишдан олдин мадрасаларда тинтув ўтказиб, мутавалли лавозимини бекор қилган. Шундан кейин Рустамбек домла 1928 йилнинг 6 мартидан 6 майигача бўлган қисқа фурсатда Эски шаҳардаги 1-босмахонада инкассатор вазифасини бажарган. 1930 йили эса муштумзўр сифатида айбланиб, Новосибирск вилоятига сургун қилинган ва 1932 йилнинг 13 апрелида, эллик икки ёшида, ўша ерда вафот этган.

Усмонбек отасининг бошига тушган ана шу савдо туфайли муштумзўрнинг ўғли сифатида театрдан ҳайдалган, десак, тўғри бўлади. Шундан кейин, эҳтимол, отасининг рус биродарларидан бири уни Марказий Русияга оддийроқ бир касбни эгаллаш учун юборган бўлиши эҳтимол.



Усмонбек, суратдан кўриб турганингиздек, дилбар, зийрак, камтар ва ҳар томонлама истеъдодли йигит бўлган. Бундай йигитларни, айниқса, рус қизлари ҳурмат қилишган. Шундай ошуфталардан бири унга ҳадя этган суратининг орқа тарафига ҳатто: «Усмонжонга. Севган ва севилган пайтингда ҳаёт қанчалар гўзал бўлади-я. 28/III. Лёля», деган юрак сўзларини ёзган.

Мен бу сўзларни ўқир эканман, Усмонбекнинг театр саҳнасида яратган қаҳрамонлари ҳам томошабинларнинг меҳр-муҳаббатини қозонмаган бўлишига ишонмайман. Агар у 1929 йилда театрга ишга кирган бўлса, «Ҳукм», «Сигнал», «Бронепоезд 14-69», «Фарҳод ва Ширин», «Боғовот», «Портфелли киши», «Икки коммунист» ёхуд 1930 йили премьераси бўлиб ўтган «Лойқалар», «Пахта шумғиялари» каби спектаклларнинг бир нечасида иштирок этган ва томошабинларнинг самимий қарсакларига муяссар бўлган.

Ушбу суратнинг яна бир қимматли томони шундаки, у 1930 йил 12 май куни Наби Ғаниев томонидан олинган. Шу йили «Сўнгги бек» фильмида режиссёр ассистенти сифатида қатнашган атоқли кинорежиссёр Усмонбек билан яхши таниш ва келажакда уни ўз фильмларига таклиф этиш ниятида бўлган, деб тахмин этиш мумкин.

Ҳам актёр, ҳам шофёр, ҳам учувчи бўлган Усмонбек сингари истеъдодли кишилар одатда узоқ яшашмайди. Улар дунёга учар юлдузлардек ёниб келиб, ёниб кетишади.

1941 йил июнида ҳарбий хизматга чақирилган Усмонбек ўша йилнинг сентябр ойидаёқ ярадор бўлиб, Можайскдаги ҳарбий хастахонага тушди. Кўп ўтмай, Можайск душман қўлига ўтди ва ярадор жангчилар тақдири улар измида қолди. Биринчи жаҳон уруши билан дунёга келган Усмонбек Ниёзбековни иккинчи жаҳон уруши шу тарзда ямламай ютиб юборди. Унинг отаси шўролар туфайли эллик икки ёшида ўз юртидан олисда вафот этган эди. Усмонбек ҳам шўролар туфайли она ватанидан олисда ҳаёт билан видолашди. Фақат у отасига насиб этган умрнинг ярмисини яшади.

**Наим КАРИМОВ**

## КОРЕЙС РАССОМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Мустақил юртимизда бўлиб ўтган Корея маданияти кунлари муносабати билан Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар саройида ўзбекистонлик корейс рассомлари асарларининг кўргазмаси намойиш этилди.

Ўзбекистонда яшаб ижод этаётган ва мустақил давлатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқаролари саналган корейс миллатига мансуб санъаткорларнинг 270 дан ортиқ энг сара асарлари кўргазмага қўйилди. Улар тасвирий санъатнинг рангтасвир, графика ва кулолчилик жанрларида яратилган бўлиб, ўзгача ранг-баранглик ҳамда миллийлик касб этган.

Бироқ ҳақиқий санъат ҳар қандай миллийлик чегараларидан устун туради: ўзининг гўзаллиги билан барча миллатларга бирдай тушунарли бўлади. Шунинг учун санъат халқлар ўртасидаги ўзаро биродарлик ва ҳамдўстлик муносабатларининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур кўргазма ҳам мазмунан худди ана шундай мақсадни ифодалайди.

Кўргазма муаллифлари ўз асарларида Она Ватанлари каби қадрдон ва меҳрибон Ўзбекистонимизнинг табиати, шаҳар ва қишлоқлари, халқимиз ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одатларини акс эттириш билан бирга Корея мавзуига ҳам кенг ўрин берган.

**Шарофатхон ҚАМБАРОВА,**
**санъатшунослик фанлари номзоди**

**Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ**

## ХАЛҚ РУҲИНИНГ ЖИЛОЛАРИ

*Қўшиқ ҳақида ўйлар*

Қўшиқни кишилик тарихида энг аввал пайдо бўлган санъат деб биламан. Инсон қўшиқ билан яшайди — туғилган кунидан она алласини эшитса, бутун ҳаёти қўшиқ тинглаб ўтади, ўлган чоғида жигарбандлари айтиб-айтиб йиғлайди, бу ҳам қўшиқнинг бир тури, аслида. Киши шод-хуррамлиги ёки ғамаламлари ичига сиғмай қолган пайтларида қўшиқ айтиб, ҳоврини босади.

Бир ривоятда Одам ота жисми лойдан қорилиб, тайёр бўлгач, унга жоннинг кириши қийин бўлгани, шунда куй чалиниб, куй таъсирида жоннинг танга кириши осонлашгани нақл қилинади. Араблар жонни руҳ деб аташади, демак инсонда руҳ пайдо бўлишида, руҳланишида куй-қўшиқнинг хосияти катта экан.

Тарихнинг энг масъулиятли паллаларида қўшиқнинг аҳамияти янада ошади. Қўшиқ миллат тарихида янги давр бошланганини овоз қиладиган санъатдир. Ушбу мақолада бугунги қўшиқчилигимизнинг баъзи жиҳатларини бир мухлис нуқтаи назаридан ёритишга уриндик.

Киши қалбига миллий руҳ она алласи орқали сингади. Абадий қолади. Демак, фарзандларимиз руҳан ўзбек бўлиб вояга етишини истасак, буни аллаларнинг чинакам ўзбекона бўлишига эришишдан бошлашимиз керак. Мен аллани ҳар бир онанинг ўз юрак мулки деб тушунаман. Унинг сўзини, оҳангини ҳар бир она дунёқараши ва ҳиссиётларидан келиб чиқиб ўзи тўқийди, ўзи танлайди. Азал-абад шундай. Алла — онанинг фарзандига айтадиган дил рози, шунинг учун ҳам у аллани ўз жигарпораси билан, уйи билан, дунёси билан ёлғиз қолганидагина тўлиб, тўлиқиб айта олади. Шунданмикин, ҳар бир онанинг алласи — ўзига хос, фарзанди учун эса она сутидай қутли, сингишимли, ҳатто бошқа бир онанинг алласи ҳам — ўзга, ўрнига ўтмайди...

— Биласизми ука, — деган эди қўшиқ ҳақидаги суҳбатларимиздан бирида Аҳмад Жабборов, — аслида ўзбекларда истеъдодли ёшлар кўп чиқади. Аммо... бизда тўй деган бир нарса бор. Ширали овозни, истеъдодни ана шу тўй ейди, тугатиб тамом қилади. Ўзбекнинг тўйида санъаткор қатнашиши шарт. Овоз қанчалик ноёб бўлса, тўйга шунча кўп таклиф бўлади. У тўйдан бу тўйга бориш керак, тонг саҳарда ашула айтиши шарт, ярим тунда ҳам. Овозга сайқал беришга, овоз имкониятларини топишга на вақт қолади, на

(Давоми 2-бетда)

«ЎзАС» ахбороти

## ҲУРРИЯТ ВА ФАХР ТУЙҒУСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ёзувчилар ҳамда Бастакорлар уюшмалари фаолларининг биргаликдаги йиғилиши бўлди. Таниқли адиблар ва бастакорлар иштирокидаги мулоқот халқимизнинг маънавий бойликлари бўлмиш бадиий баркамол асарлар, замон руҳини тўлақонли акс эттирувчи қўшиқлар яратиш, давр билан ҳамнафас ва ҳамқадам ижод қилиш масалаларига бағишланди.

Йиғилишни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов очди. Биз қандай даврда яшаётганимизни, кўз ўнгимизда қандай воқеалар кечаётганини кўриб ва ҳис этган, уларнинг моҳиятини теран идрок этган ҳолда, замон талаблари руҳида ижод қилишга, даврнинг маънавий эҳтиёжларига муносиб адабиёт яратишга бурчлимиз, деди Абдулла ака. Адабиёт бўлганда ҳам халққа бориб етадиган, унга тушунарли, маҳорат билан яратилган адабиёт бўлиши керак. Қўшиқчилик бобидаги муаммоларимиз ҳам кўпдан буён шоирлар ва бастакорларнинг биргаликдаги мулоқотларини тақозо этиб келарди. Ҳар икки соҳанинг энг истеъдодли вакиллари яқин ҳамкорликда ишлашлари, саёз қўшиқларнинг ижодкорлар назаридан ўтмасдан эфир орқали тарқалиши йўлига ғов қўйилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев ижодкорлар ҳузурида сўзга чиқиб, адиблар, сўз усталари, қўшиқ ёзувчи шоир ва бастакорларнинг ижодий фаоллигини ошириш бугун муҳим маънавий заруратга айланганини таъкидлади. Адабиёти қудратли бўлган халқнинг, мамлакатнинг мустақиллиги мустаҳкам, ёзувчиларининг жамиятдаги ўрни ҳам юксак бўлади. Биз кўз ўнгимизда содир бўлаётган воқеалар, буюк ижтимоий ўзгаришлар жараёнидан, ҳаёт тараққиётидан орқада қололмаймиз. Одамларнинг, камол топаётган янги авлодимизнинг онг ва тафаккурида Ватаннинг ҳар бир зарраси билан фахрланиш туйғусини шакллантиришимиз керак.

Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев ўз сўзида қўшиқчиликнинг савиясини кўтариш учун ижодий ҳамкорлик ниҳоятда зарур эди, деди ва шу муносабат билан «Наврўз» байрамига тайёргарлик сифатида замонавий қўшиқлар танловини ўтказишни таклиф этди. Ана шу жараёнда қўшиқ ёзувчи шоирлар ҳамда бастакорларнинг яқин ҳамкорлиги нақд самаралар бериши мумкин. Бастакор Сайфи Жалил, адиблар Эркин Воҳидов, Иброҳим Раҳим, Аҳмаджон Мелибоев ва бошқа ижодкорлар кўтарилган масалалар юзасидан ўзларининг қимматли таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Ўз ҳамкасблари, барча ижод аҳлини фаол ижод қилишга даъват этдилар.

## ХАЛҚАРО ГАЗЕТА ТАҚДИМОТИ

Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик ва рус тилларидаги «Марказий Осиё маданияти» халқаро газетасининг беш тилдаги нашри чоп этилишига бағишланган тақдимот маросими бўлди. Тақдимотга Ўзбекистон пойтахтининг адабий жамоатчилиги вакиллари, маданият намояндалари, журналистлар йиғилдилар. Маросимни Ўзбекистон Қаҳрамони, мамлакат Ёзувчилар уюшмаси раиси, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг вице-президенти Абдулла Орипов маданиятларимиз қардошлигининг қадимий анъаналари ҳамда янги даврдаги истиқболлари ҳақидаги сўз билан очди ва бошқариб борди.

Машҳур қирғиз адиби, мазкур Ассамблеянинг президенти Чингиз Айтматов XXI аср бўсағасида жаҳонда кечаётган жараёнларда ўз мустақиллиги йўлидан собит қадам ташлаб бораётган суверен давлатларнинг ўрни беқиёс ошиб бораётганини таъкидлади. Минтақамиз зиёлилари, адабиёт, санъат, маданият арбобларининг якдиллиги ва ҳамжиҳатлиги маданиятларимиз гуллаб-яшнашида буюк аҳамият касб этади. Бизнинг газеталаримиз бу жараённинг фаол тарғиботчиси ва ойнасига айланиши керак, деди. Таниқли қозоқ шоири Мухтор Шохонов, Ассамблеянинг биринчи вице-президенти, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, таниқли тожик хонандаси Жўрабек Муродов, газета бош муҳаррири Анвар Жўрабоев ва бошқалар Марказий Осиё маданият намояндаларини қутлаб, Туронзамин халқларининг дўстлиги тимсолига айланган маънавий сарчашмаларимиз ҳақида фикр юритдилар.

## МУМТОЗ РАҚСЛАР ЖОЗИБАСИ

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси ҳузурида «Муножот» миллий мумтоз рақс ансамбли фаолият кўрсата бошлади. Миллий рақсларимиз ва мумтоз қўшиқларимиз тарғиботчисига айланадиган ушбу бадиий жамоага таниқли раққоса, Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова раҳбарлик қилмоқда. Яқинда Алишер Навоий номидаги Катта театрда ана шу янги ансамблнинг тақдимотига бағишланган кеча бўлди. Уни Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ўзининг қутлов сўзлари билан очди.

«Муножот»нинг моҳир раққосалари ва ижрочилари тақдимот маросимига йиғилган жамоатчилик вакиллари, миллий мумтоз рақсларимиз мухлислари ҳузурида турли йилларда Ўзбекистон халқ артистлари Усто Олим Комилов, Тамарахоним, И. Оқилов, Қ. Миркаримова, В. Оқилова, Қ. Мўминов ва К. Узоқовалар томонидан саҳналаштирилган рақслари, Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқовлар ижро этишган мумтоз қўшиқлари билан катта олқишларга сазовор бўлдилар. Ансамбл жамоасини пойтахт ва вилоятларимиздан ташриф буюрган меҳмонлар, устоз санъаткорлар, мухлислар қутладилар, рақс маликаларига анвойи гуллар тақдим этдилар.

***

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев иштирок этди ва сўзга чиқди.

**М. АБДУЛЛАЕВ**

## КИТОБСИЗ ЯШАБ БЎЛМАС...

**«ЎзАС», 1999 йил, 24 сентябр**

Устоз Озод Шарафиддиновнинг китоб, китобхонлик тўғрисидаги куюнчаклик билан ёзилган мақолаларини қизиқиб ўқиб чиқдим. Тўғриси, кўпчиликнинг тилида, дилида турган гаплар бўлибди. «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деганларидек, Озод ака китобга алоҳида меҳр қўйган, китобнинг қадрини биладиган, китоб ёзсалар ҳам ўқиладиган қилиб ёзадиган олимларимиздан. Шу боис ҳамки, у кишининг куюнишларида жон бор.

Менинг фикримча, китоб ва китобхонлик мавзуси ҳеч қачон эътибордан четда қолмаслиги керак. Бугун магазинлар, дўконлар, ёйма расталарда китоблар тўлиб-тошиб ётибди. Ўқиладигани ҳам, шунчаки варақлашга арзимайдиганлари ҳам бор. Ҳомийлар кўмагида чоп этилган маҳаллий нашрларни кўриб киши ўйланиб қолади — севимли ёзувчиларимизнинг янги асарлари, бугунги ўқувчини ҳар жиҳатдан қониқтира оладиган китоблар ўрнини номи ҳали ҳеч кимга таниш бўлмаган муаллифларнинг пешма-пеш чоп этилаётган «асарлари» эгаллаган. Бундай шароитда китобхон нима қилади? У, албатта, танлаб ўқийди. Яхши китоб бўлса, уни ўқийдиган, қадрига етадиган ўқувчи албатта топилади.

Яқинда пойтахтда бўлдим. Келинчаклардай ясаниб-тусаниб кетган шаҳарни хўб айландим. Китоб расталарини кўрдим. Мени бир нарса ҳайрон қолдирди — хорижда чоп этилган, бизга, маънавиятимизга мутлақо ёт китоблар жуда кўп. Ёшлар улар олдида уймалашиб ётишибди. Бунинг оқибати нима бўларкин? Бу саволга устоз ўз мақолаларида жуда ҳам асосли қилиб жавоб қайтарибдилар.

**Дилноза ТЎРАБОЕВА**

*Янгиқўрғон тумани*

Келинг, фикрлашайлик!

# СОЛИҚ: тўлаш ва сўраш маданияти

***Очиғи, истиқлолга эришгунимизча солиқ ҳақида билмас эдик. Билганимиз хорижий мамлакатлардаги айрим одамлар билан солиқ полициялари, ташкилотлари ўртасидаги низолар бўларди. Истиқлолдан кейин, бозор муносабатларига аста-секин ўтиш натижасида солиқ тизими ва унинг фаолиятидан ҳам хабардор бўла бошладик. Мамлакатимизда солиқ тизими йўқ жойдан пайдо бўлди ва давлатимизнинг бюджетини шакллантириб берадиган ташкилотлардан бирига айланди. Йўқ жойдан янги ташкилот барпо қилмоқ ва унинг фаолиятини дарров мукаммал тарзда юритмоқ осон эмас. Унинг мукаммаллашиши йўлида баъзи муаммолар туғилиши табиий. Шу маънода ҳозирги мавжуд солиқ тизимидаги аҳвол борасида ҳам кўнглимизда баъзи фикрлар, муаммолар туғилди. Бу муаммоларни бартараф этиш солиқ тизими учун ҳам, давлатимиз ва фуқароларимиз учун ҳам зарур. Хўш, бу муаммолар нималардан иборат экан? Мақола шу ҳақда.***

### «ДЕКЛАРАЦИЯ» ҚОҒОЗИ

Бу қоғоз (бланка)ни солиқ тизимининг бирламчи ҳужжати, десак, янглиш бўлмайди. Ҳамма нарса шундан бошланади. Бир кекса журналист «декларация» ва у билан боғлиқ муаммолар хусусида бундай ҳикоя қилди:

— мен солиқ назорати идорасига биринчи марта 1998 йил бошида келиб, бевосита мулоқотда бўлдим ва «декларация» нима эканлигини билдим. Бу — икки варақли, тўрт саҳифадан иборат қоғоз экан. Ҳужжатлар билан ишлаш тажрибаси бўлмаган одамни декларация эсанкиратиб қўйиши мумкин. Шунинг учун солиқ назорати ходимлари ёрдам беришади ёки уни ўзлари тўлдиришади. Мен уни ўзим тўлдиришга ҳаракат қилдим. Декларациянинг учинчи бандида муаллифлик, ихтирочилик, кашфиётчилик йўллари билан топиладиган даромадлар кўрсатилган.

Журналистик фаолиятимдан олган даромадларимни, тегишли харажатларимни қоғозда кўрсатилганидек қилиб ёздим. Назорат ходими текшириб чиқди-да, «Харажатларингизни тасдиқловчи ҳужжат борми?» деди. «Йўқ. Тахминан, ақлга тўғри келадиган қилиб ёздим» дедим. «Биз буни ҳисобга ололмаймиз», деб уни чизиб ташлади. Мен эътироз билдирдим: «Ахир, мана шу декларациянинг ўзида ёзиб қўйибсизлар, «Тасдиқловчи ҳужжат бўлмаган тақдирда мана шунча» деб. Мен шунга риоя қилдим!».

Назорат ходими: «Буни биз ёзмаганмиз. Биз ижро қиламиз, холос», деб туриб олди.

Атрофимиздаги ходимлар гапга қўшилди, бошлиқ келди, ҳаммасига декларация қоғозида ёзилган гапларни кўрсатдим. Ҳеч ким эътироз билдирмади, лекин менинг харажатларимни ҳисобга олмаймиз, дейишди. Ўзларича исботламоқчи ҳам бўлишди. Ниҳоят, мен уларга: «Мени ишонтиролмадинглар» дедим. Харажатларим ҳисобга олинмаслигига рози бўлдим ва бироз ортиқча солиқ тўладим.

Гап келганда айтишим керак, ўша пулларни тўлаётганим учун касса ҳақини ҳам қўшиб тўладим.

Ўша баҳсда менга маълум бўлдики, солиқ тизими ишларини лойиҳалаётганлар декларациянинг учинчи бандини тўла маромига етказишмаган. Чунончи, харажатни тасдиқловчи ҳужжат бўлмаганда солиқ тўловчи даъво қилаётган рақамни қандай текшириш, қайси меъёрларга ёки қоидаларга амал қилиш ҳақида назорат ходимларига кўрсатмалар ёзилмаган. Шунинг учун, назорат ходимлари менинг гапларим тўғри эканлигини билсалар ҳам харажатларимни ҳисобдан чиқариб ташлашди.

Аён бўлган камчилик ҳақида солиқ назоратининг юқори идорасига мурожаат қилиб, тайинли жавоб ололмадим. «Тартиб шунақа»дан нари ўтишмади.

Орадан бир йил ўтиб, 1999 йили солиқ назоратига яна бордим. Декларацияни тўлдираётиб, яна ўша харажатларга тақалдим. Бултур мен билан баҳс қилган ходим харажатларим учун яна ҳужжат талаб қилди. Мен яна декларацияда ёзилган гапга ишора қилдим. Назоратчи ходим баҳс такрорланишидан ҳайиқдими ёки ёшимни ҳурмат қилдими, ҳар қалай бу гал харажатларимни эътиборга олди. Раҳмат! Лекин бу билан муаммо бартараф этилди, деб бўладими? Йўқ. Кейинги йил бу баҳс яна такрорланиши аниқ. Мендан бошқа қанчадан-қанча журналистлар харажатларини ҳисобга олдиролмай юрган эканлар?

Наҳотки, шу муаммони ҳал этиб бўлмаса? Аслида бу муаммо нимадан иборат? Маълумки, ҳар бир журналист бирор материал ёзиш учун анча харажат сарфлайди. Қоғоз, ручка, машинкалатишдан тортиб, то хизмат сафари харажатларигача мавжуд. Ўнғайсизлиги шундаки, журналист ёзган мақоласи учун қанча қоғоз, ручка, машинка ҳақи сарфлагани ҳақида ҳужжатни қаердан олади? Демак, декларацияда ана шунинг учун ҳам харажатларни ҳужжатларсиз тўлдириш имкони берилган. Бу ўринда гап солиқ ходимларининг ана шуларга амал қилишида, холос!

### ЖАРИМА

Белгиланган тартибларга кўра ўз даромадлари ҳақида декларация бериш муҳлати кейинги йилнинг биринчи чораги, яъни январ, феврал, март ойлари ҳисобланади. Биринчи апрелдан кейин декларация тўлдиргани келган одамлар, узрли сабаби ва уни тасдиқловчи ҳужжати бўлмаса, даромаддан қўшимча солиқ тўлашдан ташқари, жарима ҳам тўлашлари шарт.

Жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг бир ҳиссасидан уч бароварига тенг. Миқдорни солиқ назорати декларация бўлими бошлиғи, ўзига маълум тартиблар билан белгилайди. Бунда субъектив ёндошиш ҳам бўлади. Масалан, журналист кечикиб келса, уни каттароқ жазолаши керак, энг кам иш ҳақининг икки ё уч ҳиссаси ундирилсин, деб имзо қўйиб беради. Майли, бу унинг иш кўникмаларига, тажрибасига боғлиқ. Лекин энг кам иш ҳақи бир даражада турмайди-ку. Сиз ўтган йилги даромадларингиз учун қўшимча солиқ тўламоқчисиз, лекин жарима пулини бу йилги энг кам маош билан белгилайди. Бунда, сизнингча, мантиқ бузилмаяптими?

Солиқ ишларида ҳар қандай майда-чуйдаларга эътибор бериш зарур. Масалан, ўтган йили даромадни йил бўйи олгансиз. Ундан келиб чиқадиган солиқни эса сиздан бирданига тўлашни талаб қилишади. Пулингиз бўлса-ку, хўп, бўлмаса-чи? Солиқни ўз вақтида тўламаганингиз учун яна жаримага тортишади. Демак, бу ўринда солиқ тўловчининг шикоятига ҳам қараш керак. Яна бир масала. Жарима пулини белгилашдан олдин «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор» деб аталувчи, давлат рақамлари қўйилган ҳужжат тўлдирилади. Солиқ тўловчи «Ҳуқуқбузарнинг имзоси» деган жойга қўл қўяди.

Қўшимча солиқ ва бунинг устига жарима тўлайдиган одамни «ҳуқуқбузар» деб бўлармикан? Солиқ тўловчига шундай ёрлиқ ёпиштирилса, у «Қанақа ҳуқуқни, кимнинг ҳуқуқини бузибман?», демайдими? Ёки бу ҳар кимнинг қўшимча солиқ тўлаш ҳуқуқимикин? Ёки солиқ ундириш ҳуқуқимикин?

Назаримизда, «ҳуқуқбузар» сўзи ўз ўрнида ишлатилмаган.

### ОВОРАГАРЧИЛИК ЗАРУРМИ?

Солиқ назорати идоралари компьютерлаштирилаяпти. Бу ишлар ҳамма ёқда бирдек деб бўлмайди, ҳали кўп ишлар қилиш, йўлга қўйиш лозим кўринади. Бу ишлар яхши йўлга қўйилса, одамларни декларация бериш учун солиқ назорати идорасига келишдек юмушдан халос қилиш, идора ходимлари миқдорини камайтириш мумкин.

Компьютерлар ҳамма корхоналардан келган маълумотларни жамлагач, махсус дастур бўйича қўшимча солиқ тўлайдиган ҳар бир одам учун керакли ҳисобларни бажаради, «Тўлов паттаси»ни ёзади. Кейин патта почта орқали эгасига етказилади. Солиқ тўловчи кассага пул ўтказади, касса бу ҳақда солиқ назоратига маълумот бериб, ўзининг асосий бурчини бажаради.

Солиқ тўловчининг бирор саволи бўлса ёки англашилмовчилик юзага келса, назорат идорасига бориб, масалани ҳал қилади.

Ҳозирги кунда нима бўлаяпти? Ҳатто компьютерлашган идораларда ҳам одамларнинг асосий ва қўшимча иш жойларидан келиб тушган маълумотлар бор бўлишига қарамай, маълумотнома талаб қилинаяпти. Пул тўлангандан кейин квитанцияни назорат идорасига олиб келиб, рўйхатдан ўтказиб кетиш илтимос қилинаяпти (Бу ўринда назорат идораси буйруқ қилолмайди). Сабаби, пул ҳисоб рақамига тушган-тушмагани номаълум бўлиб қолармиш ёки бошқа ҳисоб рақамларига ўтиб кетиши мумкин экан. Бу иш солиқ назорати ходимлари тезроқ ҳисобот тайёрлашлари учун бўлса керак.

Мана, биз тўлаётган солиқлар борасида яна бир машмаша!

Дунёнинг ҳамма мамлакатларида битта даромаддан такроран солиқ ундириш қатъиян қораланади. Шунинг учун қайсидир бир капиталистик мамлакатдаги солиқ назариячилари умумий даромаддан солиқ ундириш тизимини ишлаб чиққанлар. Гўё бу такроран солиқ эмас! Юзаки қараганда шундай туюлади, лекин барибир, номи бошқача, холос. Шундай тизим биздаги назариячиларга ҳам ёқиб қолган чамамда.

Энди дўппини олиб қўйиб ўйлайлик: ҳар бир даромаддан, у берилаётган корхонада солиқ ундирилсаю турли корхоналардан олинган даромадларни жамлаб, қўшимча солиқ ундирилса, бу — такрорий солиқ бўлмай нима? Хўш, шу аҳволдан қутилиш имконияти борми? Бор! Айтайлик, умумий даромаддан солиқ ундирилмоқчи бўлса, ишчи, ходимнинг иккинчи, учинчи ва бошқа иш жойларида солиқ миқдори кўпайтириб қўйилса бўлмайдими? Бўлади. Шунда фуқаро бу йил солиғи учун кейинги йил овора бўлмайди. Солиқчилардан ортиқча меҳнат талаб этилмайди. Солиқдан йиғиладиган бу йилги даромад кейинги йилга қолмайди.

### СОЛИҚЛАР ҚАЁҚҚА САРФЛАНЯПТИ?

Бу жуда мураккаб савол. Биз ҳукуматга, парламентдаги вакилларимизга ишонганимиздан бундай саволни ўртага ташлашга ўрганмаганмиз. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳам ҳукумат тепасида, парламентда халқ ишонган одамлар ишлайди, лекин одамлар шундай саволни кўтариб чиқишдан тоймайдилар. Бунинг сабаби маълум: «Бировга ишонгину ўзинг бефарқ бўлма!» деган нақлга амал қилишади.

Дунёнинг ҳамма давлатларида солиқ тўловчи пули нималарга сарфланаётганини суриштиришга ҳақли ва унинг ҳар битта «инжиқликлари» эътиборга олинади. Шубҳасиз, бизда ҳам ҳеч ким бунақанги ҳолатларга эътироз билдирмайди. Шунинг учун ҳам ҳамманинг кўзига манаман, деб турган баъзи омилларни, айрим кузатувларимизни келтиришни лозим кўрдик, зора, шуларга қараб солиқлар нималарга сарфланаётганини тасаввур қилсак.

Аввало, ҳар бир тумандаги солиқ назорати бинолари кишини ўзига жалб қилади. Қачонлардир кўримсиз бўлиб ётган бинолар солиқ назоратига берилгач, қайта қурилиб ҳашаматли биноларга айланди. Солиқ назорати идорасида керагидан ортиқ «штат»лар ҳам йўқ эмас.

Хўш, бу маблағлар қаердан олиб берилмоқда? Сизу бизнинг солиқларимиздан эмасми? У ҳолда биз солиқларни нимага тўлаяпмиз, солиқчиларнинг ҳашаматли биноларда ўтириши учунми ёки давлатимизни бойитиш учунми?

Албатта, бундай сарфлар денгиздан томчи! Лекин денгиз томчилар йиғиндисидан пайдо бўлишини унутиб бўладими? Ёки кеча созланиб, бугун қайтадан кавланаётган кўчаларни, ўнлаб йиллардан бери қурилмай, битмай эскириб кетган биноларни, миллионлаб маблағлар эвазига таъмирланиб, ҳеч нарсага яроқсиз бўлиб ётган жойларни кўрганингизда тўлаган солиқларингиз эсингизга тушмайдими? Ёки шифохонадаги доктордан дардингизга шифо тополмай қайтганингизда, ҳашаматли бинодаги мансабдордан ишингиз битмаганида, меҳнатингиздан чегириб олинган солиқни ўйлайсизми?

«Мен тўлаётган солиқлар қаёққа сарфланаяпти?» деб савол бериш ҳам маданият бўлса керак. Бундай маданият нафақат солиқ тизимига, балки ҳар бир фуқарога, мулк шаклию катталиги қандай бўлишидан қатъий назар, ҳамма корхоналарга тегишлидир.

**Қудрат ДЎСТМУҲАММАД,**
**Камол МУҲАММАД ЁҚУБ**

# ХАЛҚ РУҲИНИНГ ЖИЛОЛАРИ

**(Боши 1-бетда.)**

ҳафсала. Талаб ҳам шунга яраша бўлиб кетган. Ҳозир аксар ўзбек қўшиқчиларининг овози ҳам тўйбоп бўлиб қолган, репертуари ҳам. Шунинг учун қанчадан-қанча нодир овозли ёшлар тўйма-тўй юриб, худо берган бор овозни ҳам барбод қилишаяпти, ўттизга кирмасдан товуши хириллаб, санъатдан четга чиқиб кетаётганлари нечта...

Мен кейинчалик домланинг бу мулоҳазаларини бир-иккита одамга айтганимда, қўшилмаганлар ҳам бўлди. «Тўйга борса, тўйда хизмат қилса — яхши-ку, санъаткорнинг иши шуда. Бошқасининг нима кераги бор?» дейишди.

Ўзбек халқининг қўшиқчилик санъати анъаналарга ниҳоятда бой. Биргина Муҳиддинқори Ёқубов айтган «Эшвой»нинг ўзи халқимизнинг жанговар руҳини, пурҳикмат донолигини, бағрикенглигини англатишга қанчалар қодир! Бундай ўлмас қўшиқлар ҳозир кам яратилаяпти, десак янглишган бўламиз. Чунончи, хонанда Маҳмуд Намозов қадим халқ бахшиларининг оҳанги, мотивларини ҳозирги ўзбек қўшиқчилигига олиб кириб, усталик билан пайвандладики, бу таҳсин ва офаринга сазовор янгиликдир.

Аммо... ҳозирги ўзбек қўшиқлари ичида куйи ҳам, сўзи ҳам тўйбоп, мавзуси эса рақсга тушаётган жононага қараб сийқа усулда хушторлик изҳор қилишдан бошқа нарсани англатмайдиганлари ҳам кам эмас. «Қошингга ўсма қўйибсан, Кўзингга сурма тортибсан»... «Сен гул бўлсанг, мен булбулингман»... Мавзунинг энг каттаси шу. «Гўзалсан десам уялма, Ширинсан десам, уялма...» Уялиб, юзини пана қилиши керак бўлган раққоса эса бу маҳал телеэкранда ишва билан замзама қилиб куйдиради. Бу қабилдаги қўшиқларнинг куйлари ҳам қарийб эгизак бўлиб кетганини айтмай қўя қолайлик, баъзиларида бошқа ашуланинг мотивлари очиқ-ойдин билиниб ҳам туради.

Бу гапга эътироз билдириш учун «мумтоз адабиётимизнинг ўзида ҳам шунақа ишқий ғазаллар озми эди?» дейишлари мумкин. Тўғри, аммо у ғазаллар руҳида жўн хушторлик мотивлари ўрнида тасаввуф, матнида эса бачканалик эмас, маърифат бор эди-да!

Шунинг учун алладан тортиб жамики қўшиқларимиз, куйларимизнинг миллий руҳимизга мос бўлиши, айниқса ота-боболаримиз мерос қилиб қолдириб кетган анъаналар йўналишига терс келмайдиган бўлиши учун қайғуришимиз керак. Ҳозирда эса, таажжубки, ўзбек қўшиқлари ичида ўзбекчиликка тўғри келмайдиган, ўзбек кишиси эшитса ғаши келадиган қўшиқлар болалаб кетди. Бир мисол келтирайлик. Ўзбек элининг урф-одатлари, расм-қоидаларини хўп ўрганган олима Музайяна Алавиянинг кўрсатишича, халқимизда қадимдан куёв (харидор томон) алоҳида ҳурмат қилинган, ҳатто унинг бирон камчилиги (жисмоний нуқсони) бўлса ё қуда томоннинг давлати, эл ичидаги обрў-эътибори пастроқ турса ҳам, қиз томон куёв тарафнинг бирон-бир иллатини юзига солмайди, йўқ айбни ўз бўйнига олиб, «қизимиз ҳали ёш», «тайёргарчилигимиз йўқ эди», «бировга ваъда бериб қўйгандик», «уйинглар олисда экан» сингари баҳоналар билан рад этади, илло куёв юзини шамгин қилмас экан.

Ёдингизда бўлса, ҳатто ўзбек эртакларида ҳам бунга ишора бор. Камбағал йигитнинг онаси подшоҳнинг қизини ўғлига сўраб, совчилик маъносида қирқ кун сарой олдини супуриб қайтади. Шоҳ унинг ўзи ва ўғлидаги бирон-бир айбни юзига солмайди, ниҳояти қизини бермаслик мақсадида бажариш амри маҳол бўлган шартни қўяди. «Ўғлинг шуни уддаласа — қизим сизларники» дейди. Аммо «Мен — шоҳман, сенлар эса гадойсан, кўрпангга қараб оёқ узатмайсанми?» демайди. Йигит томон бизда шунча эъзозланади!

Ана шуларни ўйлаб, миллатингизнинг назокати, одобидан ғурурланиб ўтирган чоғингизда ёқимли, дилбар бир овоз соҳибаси хониш қилиб қолади: **«Мен сизни севмагайма-ан, мен сизни севмагаймаан!».** Мошооллоҳ, дейсиз, биров бу дунёда севиб қолганини, севишини айтиб куйласа, бошқа биров севмаслигини ашула қиларкан-а.

Яна билмадиму, мен бунақа гапни ашула қилиб, эл орасида куйлаш уёқда турсин, бировнинг қулоғига пичирлаб айтиш ҳам қийин, деб биламан. Инсон кўнгли шишадан нозик дейдилар... Наинки, севмаслик... ашула қилиб айтилса? Бу ўзбекнинггина эмас, умуман инсон руҳиятига тўғри келмайди-ку.

Шундай деймизу, ёронлар, ҳали бу ҳам ҳолва экан. Қайси бир куни телевизордан бериб қолди — беш-олти машшоқнинг ҳамдардлигида бошқа бир хонанда (буниси энди йигит) ёрига мурожаат қилиб, нола чекаяпти:

**«Айт,**
**Энди бевафолик қилмайман, деб айт!..»**

Мен шундай тушундим: қўшиқда куйланаётган гўзал «билмасдан» бевафолик қилиб қўйгану, мағрурлигиданми, ё бўлмаса ошиғи(эри)ни икки пулга олмаслигиданми, ишқилиб, энди ҳатто узр сўрашни ҳам хаёлига келтираётгани йўқ. Шўрлик эр(ёки ошиқ)нинг «севги»си шунчалар кучлики, «нима бўлиб ўтган бўлса, майли, ўтган ишга саловот, ҳатто кечирим сўрамасанг ҳам розиман, фақат бир оғиз энди (бундан кейин) бевафолик қилмайман, деб айтсанг бўлгани» деб зор қақшайди, такрор-такрор куйлайди:

***«Айт,***
***Энди бевафолик***
***қилмайман, деб айт...»***

Ориятини ҳамма нарсадан устун қўядиган ўзбекнинг, ўзбек йигитининг куни шу бўлдими? Ҳаваскор ёшлар саҳнага чиқиб, эл олдида қўшиқ айтганда уни фақат ўз номидан эмас, ўзбек йигити, ўзбек қизи, ўзбек халқи номидан айтаётганликларини унутмасалар эди. Ахир қўшиқ дегани қайсидир бир Эшмирзанинг хотини Ойпарчага айтадиган гаплари эмас, у бутун Халқ номидан, Миллат йигитлари ё қизлари номидан айтилади. Қўшиғингизнинг матни, мусиқаси, овозингиз шунга яраса — марҳамат, бош устига. Ашулангиз таъсирида ўсадиган авлоднинг ҳаётга, оилага қарашлари қанақа бўлиб шаклланади — буни унутмаслик керак.

Албатта, ҳар ким қўшиқни ўзича севиб, ўзича баҳо беради. Масалан, мен учун ҳар бир асл қўшиқ бир лирик дунё, ранг-бўйи, тафти ва тароватти алоҳида — бошқасига ўхшамайди. Ҳар бир чинакам ашула бўлакча. У менга бошқа ҳеч бир ашуладан олганимга ўхшамаган руҳ, ҳис юқтириши керак. Шу бўлмаса, ижро этилган нарса шунчаки хониш бўлиб қолаверади. Қоғоз гул сингари тароватсиз.

Телевидение орқали чиқиб куй, қўшиқ, рақс ижро этувчиларнинг ўзларини тутиши, маданияти, кийиниши масалаларининг ўзи ҳам алоҳида бир мавзу. Лекин хийла баҳсталаб, жиддий масала. Чунончи, кексами-ёшми, ҳар бир эркак хонанданинг бир хил қолипда — галстукни томоққа сириб боғлаб, костюм тугмаларини қадаб, ниҳоятда жиддий қиёфада тош қотиб турган қўйи фонограмма учун оғиз қимирлатишлари, европача костюм ва галстук устидан ғирт шарқона зардўзи чопон кийиб чиқишлар ажабтовур кўринади. Шунақа ғалати либос билан биз кимларга «замонавий», «маданий» бўлиб кўриниб, айни пайтда яна ким учун «миллий», «шарқона» қиёфа ҳам касб этиб турмоқчимиз? Бу эстетик дид парокандалигининг аломати эмасмикин?

Аммо бундан ҳам муҳим нарсалар бор. Ижрочилик санъатининг янада юксалишини истасак, аввало, унинг миллийлиги ҳақида, ўзбек халқининг табиатига мувофиқлиги тўғрисида бош қотиришимиз керак. Миллийлик эса кенг тушунча. Саҳнага минг йил аввалги кийимларни кийиб олиб, ўша аждодлардай куйлаб чиқсангиз ҳам, агар дилингизда миллийликдан бир қатра нур топилмаса, ижроингиз ўзбекча чиқмайди. Миллийликка бир қатра ҳам сохталик сиғмайди, билиниб қолади. Дил, кўнгил ўзбекона бўлмаса, қийин.

Беш-олти йил бурун шифохонанинг фойесига қўйилган телевизорда бир қўшиқни тинглаган эдик. Қайсиям бир Шарқ мамлакатининг нашидаси (давлат гимни) экан. Саҳро. Шабадада хас-хашаклар думалаяпти, қум учаяпти. Сайхонликда етти-саккиз эркак, уч-турт аёл. Эркак хонандалардан бири дароз бўйли, бир кўзи кўр. Бошқаси кексайган, япасқи гавдали. Улар учун бўйсира бўлиб туриш, турфа кийиниш ва ҳусн-чирой шарт эмас шекилли. Бироқ айтган нашидасини эшитсангиз! Куйи ҳам, албатта, нашидабоп — жанговар. Бу гимннинг ҳар бир банди «Ватан» деб (шу сўздан) бошланар экан, ана шу нидо айтилаётган чоғда хонандаларнинг гавдаси ларзага тушиб титраб-силкиниб кетар эди. Қўшиқ соб бўлгунича улардан бир нечасининг кўзларидан ёш оқиб кетди. Атрофга қарасам, беморлардан баъзиларининг кўзи ҳам намланган, ҳаяжон билан тикилиб ўтиришибди. Ана шунда, киши қалбини жунбушга келтирадиган биргина қўшиқ ватанпарварлик мавзуидаги ўнлаб жўн китоблар ўрнини босишга бемалол қодир эканлиги ҳақида ўйланиб қолдим. Қўшиқ дегани ана шунақа, асл бўлса экан...

# ИЛҲОМ ПАРИСИ

***Ёш журналистлар Наби Ғаниев хонадонида***

Куни кеча шогирдларим билан Наби Ғаниев хонадонида меҳмон бўлдик. Бу буюк санъаткорнинг чироғини ёқиб, дуо ўқиб, кулимсираб турган портрети ёнига гул қўйиб ўтадиганлар бор. Сахий, оқила, меҳр-оқибатли Маҳсума ая, уларнинг миннатдор фарзандлари Дўнан ака, Чаросхон, набиралари, чеваралари...

Аямиз бизни бу гал ҳам очиқ чеҳра билан кутиб олдилар, фотиҳа ўқиб, 49 ёшида кўз юмган умр ҳамроҳларини, уларнинг ёру биродарларини эсладилар, биз — меҳмонларга самимий тилаклар билдирдилар.

Бир пиёла чой устида ширингина суҳбат бўлди. Газетанинг чекланган саҳифаси ўша учрашувни барча тафсилотлари билан келтиришга имкон бермайди. Шу боис таассуротларимизни қисқача баён этиш билан чекланамиз.

— Наби акангизни оталари «Тўра» деб чақирар эдилар, — дея ҳикоя қилдилар ая. — Ҳеч «сен» деб гапирмаганлар. Биз ҳам Наби акам билан болаларимизга шундай муносабатда бўлдик. Бирор марта болаларини койиганларини эшитмаганман. Ҳаттоки ўғилларининг айрим ҳаракатлари маъқул кўринмаганда ҳам ўйлаб, оқил, одил йўл топар, мулойим айтилган сўз, меҳр билан жумбоқни ечар эдилар. Бир ўғлимиз хорижда ўқиётганда уйланибди. Ота, яъни Наби акангиз ўша ерга борганларида кимдандир тасодифан билиб қолибдилар. Шунда қизни — келинимизни чақириб, пешонасидан ўпиб, «Биз Маҳсумахон билан чорак асрдан бери иноқ яшаб келамиз. Сизнинг оилангиз ҳам аҳил бўлади. Бир-бирларингизни қадрланг, меҳр-оқибатли бўлинглар. Айниқса, юртингиздан йироқда бўлганингизда...» деганлар. Ҳамма ота ҳам шундай қилмайди. Айтганларидек, ўғлим, келиним, набираларим бахтли экан: оила жуда мустаҳкам. Ширин ҳаёт кечиришяпти.

Бу гапларни эшитган ёш журналист Дилбар Каримова шундай деди: — Филмларида ҳам шундай. Сўнгги бадиий асарлари «Фарғона қизи»да Жаббор ота ва Дилбар, яъни ота ва қиз муносабатлари шунчалик самимий, ширинки, ҳавасингиз келади. Бошқа тасмаларида ҳам ўзбек оиласининг аҳиллигини, меҳмондўстлигини, мурувватини меҳр билан таърифлашлари сезилиб туради. Бугун билдикки, бу асарларнинг режиссёри Наби Ғаниевнинг ўзида, унинг оиласида мавжуд экан бу фазилатлар.

— Ҳа, сахий эдилар, — дейди ая давом этиб. — Эшигимиз ҳеч танбаланмаган. Қулф ҳам солинмаган. Уруш пайти эди, 1943 йилнинг қиш фасли бўлса керак, кечаси соат тўртда уйимизга ўрта ёшли бир аёл кириб келган. Дарҳол ўринларидан туриб, у билан гаплашдилар, ошхонадаги бор овқатни, чўнтакларидаги бор пулни бериб юбордилар. Кейин мен «Ким ўзи, у аёл?» деб сўрасам, «Актёр. «Иккинчи хотин»да рол ўйнаганди, қийналиб қолибди шекилли. Ёрдам сўраб келибди»... деб жавоб бердилар. Ўзимизнинг аҳволимиз танг эди-да, Бир бурда нонга зор эдик. Икки марта кўчага чиқиб нон тополмай келганларида, қозондаги овқатни бир кичкина ликопчага сузиб келганлар қайнонам. Устида икки бўлак нон бор эди. «Болалар есин...» деб ўринларидан туриб кетганлар. Кейин-чи, Асад Исматовникига борардилар. Овқат пиширсам, «Бир коса Асадга суз, кўриб келаман», дердилар.

Бу гапларни эшитиб, режиссёр Наби Ғаниев жуда мулойим киши бўлган экан. Бировга қаттиқ гапирмас экан, деб ўйламанглар. Яқинда кўчада кетаётсам, бир мўйсафид ёнимга келиб салом берди. Сўнгра аста сўзлади: «Сиз устоз Наби аканинг рафиқаларисиз, биламан. Мен уларнинг бир-икки филмларида ишлаб хурсанд бўлиб, ҳаммага «кинога тушяпман», деб мақтаниб юрдим. Шунда устоз мени олдиларига олиб «Сиздан актёр чиқмайди. Адашманг. Йўқса оқибати хунук бўлади» дедилар. Ранжидим. Лекин ишимни ўзгартирдим. Тўғри қилган эканман, Наби аканинг сўзларига кириб...

— Маҳсума ая, Наби Ғаниевнинг деярли барча асарларида севги ардоқланади. Биргина «Тоҳир ва Зуҳра» филмининг ўзи ўзбекнинг нозик ҳис-туйғуларини, севгини қадрлашни шунчалик тасвирлаб берганларки, санъаткорга меҳринг ортади. Уларга бу сўзларни айтишга имконимиз бўлмади. Сизга — Наби Ғаниевнинг умр ҳамроҳларига миннатдорчилигимизни билдираётганимиздан жуда хурсандмиз, — деб янги мавзуда фикр юритишга ундади Шоҳида Эшонбобоева.

— Наби акангизни олдин мен кўрганман. Паранжида бўлсам ҳам уларни кетворган, чиройли йигит, деб бўлмасди. Хушчақчақ кулгиси атрофдагиларнинг диққатини тортарди-қўярди. Бир куни пайт пойлаб ҳовлимизга кирдилар-да, паранжидаги қизга — менга қараб: «Совчи юборсам майлими?» дедилар дабдурустдан. Мен «Ихтиёр ота-онамда» дедим секин. Тўйимиз бўлди. Бир-биримизга садоқат билан яшадик. Наби ака оилага, менга содиқ эдилар. Ана шу севги, оқибат, меҳрни филмларида ҳам сезаман, — деб жавоб бердилар ая.

Мен эса Маҳсума ая Наби акага фақат маслакдош дўст эмас, илҳом париси ҳам бўлганларига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим ўша куни.

**Ҳамидулла АКБАРОВ**

*Обуна — 2000*

# «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» — 2000 ЙИЛДА

Ўтиб бораётган йилда республикамизнинг маданий ҳаётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган, адабий-бадиий ҳаётимизнинг кўзгуси — «Шарқ юлдузи» журнали бадиий ижод ихлосмандларининг талаб ва истакларини қондириб келаётир. Журналнинг вақтида чиқиб, обуначилар қўлига етиб бораётгани, жорий йилда унинг ҳажми бир қадар ортиб, мазмун-мундарижаси ранг-баранглашгани, бугунги бозор иқтисоди шароитини ҳисобга олсак, нашр жамоасининг фидокорлик билан меҳнат қилишаётганидан далолат беради.

Янги аср бўсағасида журнал жиддий ижодий режаларни амалга оширишга ҳозирлик кўраётир. Келгуси йилдан бошлаб мазкур нашр XXI асрнинг биринчи йилида нишонланадиган — мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги улуғ саналарга атаб туркум чиқишлар қилишга тайёргарлик кўрмоқда. 2001 йили нишонланадиган қутлуғ саналардан, айниқса, Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги шодиёналари ҳамда буюк бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги, вафотининг 500 йиллиги асосий эътиборда тутилиши сир эмас.

«Шарқ юлдузи»ни ўзига содиқ ҳамроҳ деб билган журналхонлар эса нашрнинг келгуси йилдаги режаларидан воқиф бўлишни исташлари табиий. Дарвоқе, айни пайтда 2000 йил учун обуналар бошланган пайтда бу эҳтиёжни инобатга олиш ғоятда ўринли.

Айни дамда журнал жамоаси қўлида ёзувчи ва шоирларимизнинг ҳали сиёҳи қуриб улгурмаган кўплаб асарлари йиғилган. Бу асарлар турли адабий жанр ва турларга мансуб. Ҳурматли ўқувчи, Сиз келгуси йили ана шу асарларнинг танланганлари билан танишишга муяссар бўласиз. Шулардан айримларини маълум қиламиз: келгуси йили «Шарқ юлдузи» журнали Хуршид Дўстмуҳамедовнинг «Бозор» номли, Улуғбек Абдуваҳобовнинг «Мувозанат» номли романларини, Нормурод Норқобилнинг «Қоялар ҳам йиғлайди», Наби Жалолиддиннинг «Ковак», Тўлқин Ҳайитнинг «Ҳалокат» қиссаларини эълон қилади. «Наср» рукнида бериладиган асарлар бу билан чекланмайди. Таниқли адиблар Эркин Самандар, Собит Мадалиев, Ҳамид Исмоилнинг янги романлари ҳам эътиборингизга ҳавола этилса ажаб эмас.

«Назм» бобидаги келгуси йил режаларида шоирлар Икром Отамуроднинг «Ёбондаги ёлғиз дарахт», Сирожиддин Саййиднинг «Нон ва ном», Асқар Маҳкамнинг «Фотиҳа» достонлари бор.

Адабий меросимиздан эса Огаҳий таржимасида «Ҳафт пайкар», шунингдек, «Тарихи Азизий» асарларини, санъатимиз тарихидан ҳикоя қилувчи маданият арбоби Искандар Мусабековнинг «Таъқиб остида ўтган умр» ҳамда истеъдодли санъаткор Юнус Тўраевнинг «Саҳнадан ташқарида» номли хотираларини ҳам «Шарқ юлдузи»нинг янги йилдаги сонларида ўқишингиз мумкин...

Биз юқорида таъкидлаган номлар ва асарлар журналнинг кейинги йилдаги фаолият режасидан айрим маълумотлар. Журналга обуна бўлсангиз унинг ҳар бир сони хонадонингизга бир дунё севинч ва маърифат олиб кириши тайин. Шошилинг, «Шарқ юлдузи»га обуна давом этмоқда! Эслатамиз:

**«Шарқ юлдузи» журналининг йиллик обуна баҳоси — 3000 сўм.**

**Журнал индекси — 911.**

**Дарвоқе, журналга муҳарририятнинг ўзида ҳам обуна бўлиш имконияти яратилган. Муҳарририят обуна бўлган шахсларга ва жамоаларга журнални вақтида етказиб беришни кафолатлайди.**



Дилбар ҲАМЗАХЎЖАЕВА

# БУЛБУЛНИНГ ТИЛИДАН ТИШЛАДИМ МАҲКАМ...

* * *

Бу анингдир, кўрк анингдир, нигоҳлар анинг,
Кулгич анинг, кулиб турган қийғочлар анинг.
Ўй манингдир, сўз манингдир, оҳу воҳ манинг,
Сўзлаганда куйдиргувчи қирмочлар анинг...

Лаб анингдир, шабнам анинг, шарбатдир анинг,
Икки дунё бир тўймаган хилқатлар анинг,
Ҳеч кимсага насиб этмас талъат анингдир,
Ва анқолар изламакда журъатлар манинг.

Бу не осмон, бу не савдо, бу не ой эрур,
Қирғанч анинг, гунглиғ анинг ва тошлиғ анинг.
Суқ манингдир, ҳайрат манинг, илинждир манинг,
Икки дунё моли ичра фаррошлиғ анинг.
Бўй анингдир, кўрк анингдир, нигоҳлар анинг...

## САДАФ ТУГМАЛАР

Беқасам камзу ҳул, садаф тугмалар —
Садаф қоматларни яширган...
Қалдирғоч қошларнинг уч-учларидан
Қарчиғайлар учган, қирғийлар учган...

Беқасам камзуҳул, оққуш билаклар —
Кумуш бармоқлардан томгучи шарбат...
Лаблар ёлқинида титраган ҳаё —
Нафис вужудларда барқ урган журъат...

Беқасам камзуҳул, ипак кўнглаклар —
Воҳ, ипак устина ипак кўнглаклар...
Бир тутам белдаги зар уқалардан
Кўзларинг тинади, синар сўнгаклар...

Беқасам камзуҳул, билинмас беллар —
Кўзга ҳам, қўлга ҳам илинмас беллар...
Сочлар тарс урсалар, аёл чарх урса —
Сочнинг толасича қалинмас беллар...

Ўйноқлаган оҳу, иккита оҳу —
Сутдай пешонада қушдай дурралар...
Жонингда иффорлар, кўзингда қолар —
Тушда ўқилмаган ширин суралар....

Беқасам камзуҳул, садаф тугмалар...

## ОСМОН

Сафсар — тилла осмон, ҳайратомуз тун...
Ойнинг баданидан эсган шамоллар...
Осмон ярмигача тизгинсиз, гўзал,
олтин — зумрад селлар ёғилиб ётар...

Тароқ олмаларнинг ингичка, узун
навдалари нафис эгилганича —
Ой томон оқади, ойга ғарқ бўлар...

Қизғалдоқ, Қизғалдоқ ичра шудринглар,
Ёмғир сувларида учгувчи гуллар...
Қизғалдоқлар оқар, шудринглар оқар —
ойнинг баданидан эсган шамолда...

О, ойга ғарқ бўлган зумрад булутлар
ва тунги зарралар томган фалакдан...
Чил-чил этиб шудринг ҳарамларини —
энг нафис навдада учган малаклар...

О, гиёҳ ислари... шу қадар чексиз —
тошлар — анбар ичра чайқалар, оқар...
Юлдуз заррасида, гул заррасида —
булут заррасида, қум заррасида —
Фақат гиёҳ иси гуркираб ётар...

Шудринглардан учган олмалар иси,
лойқа ҷувлар ичган ялпизлар иси,
тошчаларга кўчган андизлар иси —
шу қадар тирикдир, шу қадар кучли...

Янги ой чиққан тун илоҳий, дуркун,
янги ой — зумрадлик ичра дийдирар...
нафис олтин шуъла учар, эгилар —
янги ойнинг икки ҳалқаларидан...

Зумрадлик, таъмингни туймаклик учун —
Булбулнинг тилидан тишладим маҳкам...

Олмалар гиёҳлар ичра қалқинар,
беҳилар гиёҳлар ичра қалқинар...
Дунёда энг гўзал вужудларини
тошларга ботириб ухлар кийиклар...

Бадан зарралари, тан зари ичра
туйдим, чечакларнинг баркут оқимин...

О, шундай савдойи, мушкин тунларда,
қаҳрдан иффорлар, ноздан ифорлар...
Энг тенгсиз макрдан учган атрлар
вужуд дарёсига кетар қўшилиб...

О, шундай савдойи: мушкин тунларда
адрас кўрпаларда титраган Ахтар...
Гулчин бешикларнинг ўтруларида
ухлаб-ухлолмаган малаклар...

Сафсар — тилла осмон, ҳайратомуз тун...

# ЙЎЛИНГИЗ ОҚ БЎЛСИН, ОЛИМАХОН ҚИЗИМ!

*Очиғини айтганда, Олимахоннинг шеърлари мен учун кутилмаган кашфиёт бўлди — мен унинг шоиралигидан бехабар қолган эканман. Талабалик кезларида кичик жуссали, кўзлари тийрак бу қиз ҳар нарсага қизиқувчанлиги, дадил фикр юритиши, ўзбек ва рус тиллари билан бир қаторда форс ва француз тилларини ҳам яхши билиши билан эътиборимни тортган эди. Билимдонлиги учун бўлса керак, бир-икки Эрон ва Францияга ҳам бориб келди. Энди эса, мана, бир дафтар шеър кўтариб, уйга келипти. Уларни бир қўлга олдим-у, охиригача қўлдан қўймай ўқиб чиқдим. Уларни ўқир эканман, кўнглимга бир илиқлик югурди, дилим ёришиб кетгандек бўлди — чунки бу шеърлар нафосатга, гўзалликка тўла қалбдан қайнаб чиққан оташин мисралар эди. Уларда туйғуларнинг ранг-баранглиги, ҳаётга ошиқликнинг алланечук ўйчанликка, ҳазинликка қоришиб кетганлиги мени ром қилди. Олиманинг нигоҳи жуда ўткир — у нарсаларнинг хислатларини, ҳаёт рангларини нозик кўради.*

*Мен Олимахонга шеъриятнинг машаққатли йўлида матонат тилайман.*

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Олима НАБИЗОДА

## КЎНГИЛ ПАРЧАЛАРИ

* * *

Яланғоч даштда
Қариган қуёш
Шикаста нурлари билан
Дарёнинг юзига ажин солади.
Тупроқда туғилган
Иркит булоқ
Дарёга ҳавас-ла боқади...

* * *

Қумсиз саҳро.
Гуноҳлар карвони бир-бир
Кетяпти қиёматни соғиниб оғир.
Қайтиш йўқ,
тўхташ йўқ.
Ортда қолган сарбон ўзим, ахир!..



### ЁЛҒИЗЛИК

Ёмғир.
Шивир-шивир шивирлар
Асири-ярадор қушчага
Меҳрибон қафас ҳақида...

* * *

Чумоли.
Беозор, мўмин чумоли.
Худога
Мендан-да севимли банда...

* * *

Келинг.
Кутаман.
Бағрингизга босинг.
Ер — жаннат эмас,
Лекин мен — ҳурман...

* * *

Тупроқ менга шивирлаб айтди:
Сени севаман,
Соғиндим,
Кел.
Билсанг агар
Бу Ерда борлигинг
Йўқлигинг ҳақида
Энг
гўзал шеър...

* * *

Кетдингиз.
Сўзсиз, сассиз
Йиғлади —
кенг қафасда озод қуш.
Кетдингиз.
Лабларимда қолди шарпанинг изи.
Сочимни эса битталаб юлди
Айрилиқ қизи...

* * *

Увол бўлди ёшлик.
Кетди болалик.
Қолди бурчакда
мунғайган бешик.
Киприкка қоришди нам,
Кўзга ястанди ғам,
Юракка беланди алам
Тебран бешик, тебран...

* * *

Тун эди.
Чироқ ёниқ эди.
Кўзим очиқ эди.
Бир поклик истади руҳим.
Лаҳзалар
либосдек ечилди тандан.
Муҳаббатим —
масофалар садоси тинди.
Танҳо кўнгил — жуфт кўз — бир жасад:
Ёлғизлик — оққоғоз бетида ўлик нақши.
Тун, чироқ ёниқ, кўзим очиқ
Эди.
Бир поклик истади руҳим...

* * *

Сизни кузатмоқ оғир.
Сизни асло келмас кузатгим.
Фақат
Маъюс кузатиб қолар
Кўз ёшим зарбидан
Синган кипригим...

* * *

Мен ҳануз тирикман.
Бир дона олма,
Бир ҳўплам сув,
Бир сиқим ҳаво —
Ризқ-рўзим.
Мен ҳануз тирикман.
Бир мушт юрак,
Бир жуфт кўз,
Бир ҳовуч тупроқ —
Жисмим-жасадим.
Мен ҳануз тирикман
Лек вужуд султони
осмон тусайди.

Эрпўлат БАХТ

## МАНГУ ЁНАР ИШҚЛАРИМ



* * *

Ташна дилим қонди, май ичди,
Руҳ баҳрининг канорларидан.
Сано айтиб Ҳаққушлар учди
Шажарамнинг чинорларидан.

Гар қай кимса ўздин тонадир,
Уйғотгувчи Умид — онадир,
Кубролларнинг қони ёнадир,
Кўҳна кентнинг минорларида.

Ўл десалар ҳамки ўлмадик,
Айб ахтариб кўнгли тўлмади,
Кундузи ҳам топиб бўлмади,
Ғаним ёққан фонарларида.

Мулкинг талаб хор этар бўлса,
Тик бошингга зарб етар бўлса,
Ўзлик ҳақда сўз кетар бўлса,
Ўзинг асра тонарларидан.

Келиб бугун мағрур изма-из,
Тўймай боқиб Ҳаққа юзма-юз,
Туғилажак Самандар, Қақнус
Ўзбегим деб ёнарларидан.

Гулчиройдек ясанди тонглар,
Потраб чиқди камалак ранглар,
Мерос қолур уфқлар, тонглар,
Қалби юрт деб қонарларидан.

Сано айтиб Ҳаққушлар учди
Шажарамнинг чинорларидан.

### ЎЗ ЮРТИНИ СЕВГАНЛАР...

Қўшиғимни улашдим сенга,
Қўшиғимни экдим тилингга.
Соқов бўлиб юрибсан нега,
Бор, куйлаб бер уни элингга!

Оҳангларни ичсин теварак,
Оҳанглардан ёрилсин Замин.
Дуоларга қўл очмоқ керак,
Аҳли мардинг тирилсин, омин!

Яшаш лозим шондай, шукуҳдай,
Дунёсини кўмиб орзуга.
Ўзлигини топиб пок руҳда,
Севги берсин бунинг қарзига.

Ишқ юракка ўйилган илм,
Ибодат бил муқаддас фанни.
Ўз юртини севганлар—олим,
Опичлагай буюк Ватанни!..

Қўшиғимни улашдим сенга,
Қўшиғимни экдим дилингга!

### СЕН ҲАҚИНГДА

Сен ҳақингда қўшиқларим кўп,
Оғриқларим, ўксикларим кўп.
Сиғимларга сиғмайин кетсам,
Ватан, борар кўшкларим кўп.

Машрабингдай дорни куйласам,
«Фақат Ҳақни, Ҳақни сўйласам»,
Минг бор ўлиб шавқдан тўймасам,
Тирилгувчи машқларим кўп.

Олсанг сабоқ Умид-онадан,
Дилим оқиб кетса танамдан,
Ўтиб борар бўлсам фанодан,
Қайтиб келар эшикларим кўп.

Руҳим ташна бўлган пайт, ул-чи,
Бир жом тутиб, деса байт қуй-чи,
Алласига қўшиб айтгувчи
Ҳар онада бешикларим кўп.

Етар энди, кўрқишим, абас,
Уйғон дилим, кўр ишим абас,
Ол, дегувчи тўйгунча нафас
Мангу ёнар ишқларим кўп.

Сен ҳақингда қўшиқларим кўп.

*Хоразм*

## Муҳсин Ҳамидов



Ўзбек миллий санъати оғир жудоликка учради. Республикада хизмат кўрсатган артист, таниқли драма актёри, бадиий сўзнинг моҳир устаси Муҳсин Ҳамидович Ҳамидов оламдан кўз юмди.

Муҳсин Ҳамидов 1913 йили Қўқон шаҳрида ўртаҳол деҳқон оиласида дунёга келди. Ўзининг туғма истеъдоди билан эл назарига эрта тушган Муҳсинжон ўрта мактабни тугатиши биланоқ пойтахтдаги Ҳамза номли академик драма театрига ишга чақирилади. Бу даргоҳдаги улуғ устозлар кўмагида ҳақиқий драматик актёрлик маҳоратини эгаллади, ўнлаб бош ва асосий ролларнинг ўзига хос ижрочиси сифатида томошабин эътибори ва эъзозига сазовор бўлди.

Театр санъаткор ижодий имкониятининг яна бир ёркин қиррасини — унинг бадиий ўқиш устаси, ажойиб нотиқ эканлигини исботлашига имкон яратди. 40-50 йиллар саҳна маданияти учун ноёб ва камёб ҳисобланган бу ижодий йўналиш санъаткор тақдирини бир умрга Ўзбекистондаги концерт ташкилотлари фаолияти билан боғлади. Муҳсин Ҳамидов олиб борган концерт дастурлари ўзининг юксак бадиийлиги, таъсирчан публицистик руҳи, томошабин кўнгли ва дидига мослиги билан ажралиб турарди. Бу эса, ўз навбатида, ўша давр миллий қўшиқчилигимиз мухлислари маънавий олами ва эстетик қарашларининг юксалишида жиддий омил бўлди.

Муҳсин ака ўзининг сермаҳсул умри давомида ўнлаб ёш актёрлар, конферансьеларни тарбиялаб катта саҳнага кузатди, уларнинг ижодий камолидан қувонди.

Ажойиб санъаткор, хассос сўз устаси, меҳрибон дўст ва устоз Муҳсин Ҳамидович Ҳамидовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда бир умр сақланиб қолади.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ

# ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ

Ўзбеклар ва дунё

Шундай инсонлар бўладики, улар юртига бўлган муҳаббати, садоқатини халқининг бошқа халқлар билан дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, мустаҳкамлаш борасидаги фидойилиги билан намоён этадилар. Уларнинг бу олижаноб туйғуларини амалга оширишда на масофа, на тил, на сиёсий ўзгаришлару бошқа воқеалар тўсиқ бўла олмайди. Дўстлик элчиси деган юксак номга сазовор бўлган шундай инсонлардан бири ҳиндистонлик олим, профессор, адиб Қамар Раисдир.

Қамар Раис Деҳли университетининг таниқли профессори, танқидчи, адиб, шоир, таржимон сифатида мамлакатида таниқли инсон. У Ҳиндистоннинг Уттар Прадеш штатининг пойтахти Лакнау яқинидаги Шоҳжаҳонпур шаҳрида адвокат оиласида таваллуд топган. Аввал ота-онасининг истагига кўра адвокатлик мутахассислигини эгаллаш учун Лакнау университетида ўқийди. Лекин адабиётга бўлган қизиқиш устун келади ва у икки йилдан сўнг машҳур Алигарх муслим университетига киради. Шу билим даргоҳини битириб урду тили ва адабиёти бўйича мутахассис дипломини олади. Сўнг фан номзодлиги диссертациясини ёқлайди. 1959 йилда уни Деҳли университетига ишга таклиф этишади.

У 1962 йилда Тошкент давлат университети Шарқшунослик факултетининг ҳинд адабиёти ва тиллари кафедрасига урду тили ва адабиёти бўйича мутахассис сифатида ишга келади. Кўп ўтмай, оиласи ҳам Тошкентга кўчиб келади. Тошкент ва тошкентликлар, уларнинг турмуш тарзи, очиқ кўнгиллилиги, меҳмондўстлиги, ҳинд халқига бўлган катта ҳурмати ёш профессорни ўзига мафтун этади. Мамлакатимизнинг бошқа жойлари билан яқиндан танишади. Шундан кейин Қамар Раис Ўзбекистон билан боғланиб қолади. 1966 йили у ўз ватанига қайтиб кетади, лекин 1970 ва 1982 йилларда яна Тошкент давлат университетига келиб ишлайди. Шундай қилиб у ўз ҳаётининг етти йилини Ўзбекистонда ўтказади. У бу ерда асосий мақсади ўзбеклар орасидан ҳиндшунос, урдушуносларни етиштириш билан бирга, ўз халқини ўзбеклар ҳаёти, маданияти, санъати, адабиёти, фан-техника, маориф соҳасидаги ютуқлари билан таништиришга ҳам хизмат қилади.

У республикамиз ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида ўзбек ва рус тилларини ўрганади. Дўстлар орттиради, шогирдлар тарбиялаб етиштиради. Олимлар, ижодкорлар билан ниҳоятда яқин бўлиб қолади. Профессорнинг ўз сўзи билан айтганда: «Тошкентдек шаҳри азимнинг бирор кўчаси йўкки, унда унинг бирор шогирди ё дўсти бўлмасин». Республикамиз шаҳар ва қишлоқларининг ҳаёти билан танишув унга халқимиз ҳаётини яхшироқ билишга имкон берди. Бу учрашувларда ўзбек халқининг ўз яшаш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, эзгу тилаклари, ўтмиши билан фахрланишини билди, келажакка интилишини яққолроқ англади. Айни пайтда, ижодкорнинг кўзи ўткир, ақли теран ва юраги денгиз бўлишини Қамар Раис ўз мисолида яна бир бор тасдиқлади. Буни унинг Ўзбекистон ҳақидаги Ҳиндистонда нашр этилган китобларида, ажойиб мақолаларида, радио ва телевидениеда чиқишларида кўриш мумкин. Ҳиндистонда ҳамиша шоир сўзи ва фикрининг қиммати юксак бўлиб келган. Бу ҳақиқатни чуқур англаган, ижодкор халқ кўзгуси эканлигини билган Қамар Раис ўз ватанида «Ўзбек шоирлари» ва «Армуғони Тошкент» номли икки тўпламни босмадан чиқарди. Ўзбекистонда олган бой таассуротлари асосида яратилган бошқа китоблари ҳам нашр этилди.

Ўзбекистоннинг истиқлолга эришиши ва қадимий қадриятларнинг тикланиши, ўтмишдаги буюк сиймоларга эътиборнинг ошиши Қамар Раисни кўпдан орзу қилиб келган режаларини амалга оширишга ундайди. 1994 йилнинг декабр ойида Деҳли шаҳрининг «Интернейшнал сентар», яъни Халқаро учрашувлар марказида Қамар Раиснинг янги китоби — «Ўзбекистон ва Алишер Навоий» асарининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Уни ташкил этишда Ҳиндистон собиқ ташқи ишлар вазири, парламент аъзоси Н. Сангх, собиқ Бош вазир И. Гужрал, Қамар Раис ва бошқа жамоат арбоблари, олимлар, адиблар, журналистларнинг, «Ҳиндистон — Ўзбекистон дўстлик ва маданий алоқалар жамияти»нинг ҳиссаси катта бўлди. Маросимни Ҳиндистоннинг маданий алоқалар кенгашининг президенти, давлат ва жамоат арбоби Васант Сатхе олиб борди.

Китобнинг Ўзбекистонга бағишланган қисмида юртимизнинг қадимий даврлардан тортиб то бугунги мустақил ҳаётга эришган кунларигача босиб ўтган тарихий йўлига назар ташланган. Мамлакатимизнинг улуғвор қудрати, давлатчилик тарихи, буюк инсонлари, мустабидлик давридаги қисмати, истиқлол учун халқимиз олиб борган кураш ёркин акс эттирилган.

Тўпламнинг Алишер Навоийга бағишланган асосий қисмида муаллиф шоирнинг ҳаёти, ижоди, мутафаккир ва давлат арбоби сифатида халқнинг тақдири, адабиёти, санъати, тарихига қўшган беҳад катта улуши хусусида сўз юритади. Буюк шоирнинг ижодидан талайгина намуналар келтиради. Алишер Навоийнинг «Хамса»си ҳақидаги материаллар кенг ва қизиқарли ёритилган. Муаллифнинг эътирофича, Шарқ адабиёти тарихида тўрт буюк ижодкор — Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий «Хамса» ёзиб қолдирганлар.

Қамар Раис Алишер Навоийнинг «Хамса»си ўша давр туркий тилида ёзилганига эътиборни тортади. Ундаги бешта достон — «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий»нинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, буларнинг мазмуни билан ўқувчиларни таништиради, фикрини шеърий парчалар билан тўлдиради, Алишер Навоий «Хамса»сининг олдин ёзилган «Хамса»лардан фарқини таққослаш йўли билан кўрсатишга ҳаракат этади.

Тўпламда Алишер Навоийнинг ғазаллари, ҳикматларга бой асарларига катта ўрин берилган. Жумладан, унинг 37 ғазали, 4 рубоий ва 74 ҳикматли байтлари таржима қилиб берилган.

Асар сўзбошисида Қамар Раис шеърларни таржима қилишда урдушунос, марҳум ҳамкасби ва дўсти Раҳмонберди Муҳаммаджонов билан ҳамкорлик қилганини ёзади ва унинг хотирасини эсга олади.

«Ўзбекистон ва Алишер Навоий» тўплами шоир, адиб Қамар Раиснинг кўп йиллик меҳнатларининг самараси бўлиб, буюк шоиримизнинг ижоди билан Ҳиндистон, Покистон адабий жамоатчилигини, умуман, ғазал мухлисларини таништиришга хизмат қилади.

Ҳиндистонда ўзбек адабиёти бўйича мутахассис ҳисобланадиган Қамар Раис бу йил яна бир улуғ хайрли ишга қўл урди. Буюк шоиримиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари тўпламини урду ва ҳинд тилларида чоп этишга тайёрлади. Тўпламнинг ушбу тилларда нашр этилиши катта аҳамиятга эгадир. Чунки Ҳиндистон жамоатчилиги Бобурни давлат арбоби, саркарда ҳамда машҳур «Бобурнома»нинг муаллифи сифатида яхши биладилар. У асос солган салтанат ва бобурийлар сулоласи, улардан қолган мерос ҳақида жуда кўп китоблар ёзилган, илмий ишлар қилинган, ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратилган. Бу тўплам ҳиндистонликларга Бобурнинг ўзбек мумтоз адабиётининг буюк вакилларидан бири эканлигини кўрсатади. Қамар Раис китобини Жавоҳарлаъл Нерунинг қизи Индира Гандига турмадан ёзган мактубидаги «Бобур ўз даврининг энг маданиятли ва олижаноб кишиларидан бири эди», деган сўзлари билан бошлайди. Шунинг ўзиёқ, олим, адиб ва таржимон, жамоат арбоби Қамар Раиснинг юртимизга, адабиётимизга ҳурматидан нишонадир. Унинг дўстлик элчиси сифатида амалга ошираётган ишлари эътиборга лойиқдир.

Сурьат МИРҚОСИМОВ

